КУТУБХОНАСИ

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН 6-бет

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 226 (10.279) / 2004 ЙИЛ 19 НОЯБРЬ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ВА САЙЛОВЛАР

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

**Мустақил депутатлар институтини такомиллаштириш - мамлакатимизда замонавий профессионал парламентаризм ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидан биридир.**

Тошкентда ўтган «Ташаббускор гуруҳларнинг сайлов жараёни давридаги фаолияти» мавзуидаги халқаро семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Миллий университети томонидан Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан биргаликда ташкил этилди. Семинарда халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижий дипломатлар, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Польша, Россия, АҚШ, Франция, Жанубий Кореядан сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари, фаоллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Р.Ашуров очди.

Олий Мажлис, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига бўлғуси сайловлар Ўзбекистонда парламент тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, у демократия тамойилларига асосланади, деб таъкидлади Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А.Саидов. Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига уйғунлаштирилган. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжати ҳамда бу соҳага оид бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқдир.

Давоми 2-бетда.

## «Сайлов—2004: ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТНОМА»



**Тошкент Давлат юридик институти олим ва мутахассислари «Сайлов—2004: электрон маълумотнома» мультимедиа вариантини ўзбек ва рус тилларида тайёрлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги икки палатали парламент тизимини шакллантиришнинг устувор масалаларига бағишланган маърузаси билан очилади.**

Маълумотномада сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва сайловчиларнинг овоз бериш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишончли вакил ва кузатувчилар мақомига оид маълумотлар берилган.

Электрон маълумотномага Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари уларга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар билан жойлаштирилган. Мультимедиани ишлашда чиройли дизайн ва овоз эффектларидан унумли фойдаланилган.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАГИ УЧРАШУВ

**АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лора Кеннеди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлди.**

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан мулоқот чоғида мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловларнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилинган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл иштирок этди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Ҳиндистон маданият марказида Мирobод тумани Ўқувчилар ижодиёт марказининг Тасвирий санъат тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

• **ЎТГАН КУНИ** 23-меҳрибонлик уйида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб уюштирилган хайрия тадбирида тарбияланувчиларга спорт кийимкечаклари туҳфа этилди.

• **КЕЧА** 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Соғлом турмуш тарзи — СПИДга, гиёвандликка қарши кураш» деб номланди.

• **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида академик Содиқ Азимов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

• «**ЎЗБЕКБИРЛАШУВ**» акционерлик жамиятида «Миллий истиқлол ғояси» мавзуида бўлиб ўтган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни «Семурғ» болалар оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчилари малакасини ошириш мақсадида ўқув семинари уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

**АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Лора Кеннеди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик, хусусан Афғонистондаги вазият билан боғлиқ, шунингдек, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

## ДЎСТЛИК ОҚШОМИ

**Республика Байналмилал маданият марказида ўтган дўстлик оқшомида юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Т.Алимов, Туркман миллий маданият маркази раҳбари О.Қурбонов юртимизда миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва тинчлик-тотувликни янада мустаҳкамлаш алоҳида эътиборда эканлигини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган. Айни пайтда юртимизда бир оила фарзандларидек аҳил яшаётган бир юз ўттиздан зиёд миллат вакиллари Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни таъминлашда миллий маданият марказларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Туркман миллий маданият маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар бунинг далилидир.

Учрашувда Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С.Пирмуҳамедов иштирок этди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Аввал хабар берилганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, республика Кутубхоналар ассоциацияси, Тошкент Давлат авиация институти ҳамкорлигида «Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» мавзуидаги 3-халқаро конференция иш бошлади.

• Тошкентда мамлакатимиз педиатрларининг 5-съезди очилди. Унда АҚШ, Россия, Англия, Ироқ ва Қозоғистондан келган олимлар ҳам иштирок этмоқда.

• Тошкентда Жаҳон сифат кунига бағишланган «Сифат — корхона рақобатбардошлиги асоси» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

• «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган пойабзал тури 48 тага етди. Ҳозир бу ерда йилига 250 минг жуфтгача пойабзал ишлаб чиқарилаётган бўлса, келаси йилдан бу кўрсаткични икки баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

• Қуйи Амударё минтақасида бунёд этилаётган Қорақалпоғистон жанубий бош коллектори фойдаланишга топширилгач, 500 минг гектардан ортиқ майдоннинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконияти яратилади.

• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилоят бўлими ҳузурида «Меҳр-мурувват» маркази иш бошлади. Марказга ажратилган бинони замон талабларига мос равишда таъмирлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 5 миллион сўм маблағ ажратилди.

### Жаҳонда

• Фаластинни озод қилиш ташкилотининг янги раҳбари Маҳмуд Аббос экстремистик гурухларга қарши чора-тадбирлар қўлланилишини билдирди. Курол олиб юришнинг таъқиқланиши шундай чораларнинг биридир.

• Грузия ва Жанубий Осетия ўртасида юзага келган можаролар деярли барҳам топди. Ҳозирда чегаралардаги мудофаа техникалари олиб кетилмоқда.

• Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда 5 та бомба портлатилди. 3 та бомба Сити банкнинг иккита бўлими ва «Галиция» банки офисида портлади. Натижада камида бир киши ҳаётдан кўз юмди.

• Ироқда асир олинган британиялик аёл Маргарэт Ҳассан террорчилар қурбони бўлди.

• Кеча Волга автомобиль заводи конвейерларидан янги оилага мансуб «Лада-Карина» номли серияли автомобилларнинг дастлабки туркуми чиқди. Йил охиригача шундай машиналардан 400 таси ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Қирқ ёш — ёшликнинг интиҳоси, эллик ёш — қарилик ибтидоси.

● Кексайганини одам қачон сезади? Буни у орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганида ҳис қилади.

● Ёшликда нимани эксанг, улғайганингда шуни ўрасан.

● Қариси бор уйнинг зариси бор.

● Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшдан бошланади. Бу ёшда одам чинакамига пишиб етилади, бошқаларга ўрнак олса арзигулик хислатларига эга бўлади. Бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.

● Кексалик доноликни ўргатадиган палла, ёшлик эса уни қўллайдиган пайт.

РИВОЯТ. Кунлардан бир кун Нўшинравон соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошини чақиртиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач, бундай дейди: «Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар меҳнатидан форуғ этаман».

Нўшинравон ўзича: «Бу одам ўзи нима деяпти?» деб ўйлаб, унинг сўзларига ҳайрон бўлди. Аммо сартарошнинг қўлидаги устарасидан қўрқиб, бирон қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин», деди.

Нўшинравон сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг кекса маслаҳатгўйи Бузуржмеҳрни чақириб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузуржмеҳр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: «Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима дединг?»

У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шунда Бузуржмеҳр сартарош турган ерни кавлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топишди. Бузуржмеҳр дейди: «Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларни унинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган». Араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида хазина кўрса, у ўз ҳадидан ортиқ нарсани сўрайди».

Қиссадан ҳисса шуки, қари билганини пари билмас деган нақл жуда тўғри айтилган.

**БАЙТ:**

**Ёшлик қувватию,**
**кексанинг ақли —**
**Ғалаба гарови, бу**
**халқнинг нақли.**

● Ҳаракат ва интилишсиз, фидойилик ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

● Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.

● Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эплай билиш учун ҳам билмоқ зарур.

● Улуғ ишлар чидам ва матонат туфайли амалга ошади.

*Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун*

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

### РОМАН -ХРОНИКАДАН БОБЛАР

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)**

Бир куни Суюнбой ярим тун бўлганда девор ошиб Раҳимбойнинг ҳовлисига тушди... Атроф сокин, тинч эди. У хонадон соҳиби ухлаб ётган хонага кирганини ҳеч ким сезмади. Суюнбой ғирашира чақалоқли бешикни, унинг ёнида эр-хотин ётганларини кўрди, улардан нарида девор тагида марғуб сандиқ кўзга чалинди. Оҳиста эшикнинг тагида турган болтани қўлига олди ва барчасини бирма-бир ўлдириб, кейин сандиқни шип-шийдам қилиб кетмоқчи бўлди...

Лекин шу палла бегуноҳ чақалоқнинг оҳи етдими ёки Раҳимбой билан хотинига худонинг раҳми келдими, ҳарқалай, Суюнбой бу ниятидан қайтди. "Қўлимни қонга ботириб, уларни ўлдириб нима қиламан? – ўйлади Суюнбой. – Бошқача йўл тутаман... Бешикни аста оламан-да, ҳовлининг этагига обориб қўяман. Кейин ёпқичини очиб кутиб тураман. Бола йиғлайди, ота-оналари унинг олдига чопиб келадилар... Ўшанда пайтдан фойдаланиб уйга кириб сандиқни очаман-да, бор-будини шипириб кетаман..."

Раҳимбой чўчиб уйқудан уйғониб кетди. Қараса, хотини йиғлаб ўтирибди.

"Войдод! Боламиз йўқ, боламиз!.." – деди у.

"Нима Нима.. Нега йўқ бўлади? Шовқин қилма, кечаси ахир!"

Раҳимбой шундай деб хотинини юпатарди-ю ўзи ичидан зил-зил кетарди.

Бирдан ҳовли этагидан чақалоқ овози эшитилди. Эр-хотин апил-тапил югуриб бешик ёнига бордилар ва иккиси икки ёнда ёпқични очиб шоша-пиша чақалоқнинг юзларини силаб, қўл-оёқларини пайпаслаб кўра бошладилар. Соғ-саломат эканлигини билишиб худога шукурлар қилдилар, бу синоатнинг қандай юз берганига ақллари етмай ҳайратда дам бешикка, дам осмонга боқар эдилар.

Суюнбой шу заҳотиёқ уйга кирди, сандиқ ёнига бориб кичиккина қулфини очишга чунон уринди, аммо уддасидан чиқолмади. Сўнг жаҳл устида қулфга болта урди. Сандиқни очиб, пулу тилло буюмларни қопчиққа сола бошлади... Эндигина қопчиқни қўлига олиб ўрнидан турмоқчи бўлган эдики, шу палла ер қаттиқ силкинди!.. Зилзилага дош беролмаган уй қасирлаб қулади... Шаҳарда бутун маҳаллаларда қий-чув бўлиб кетди.

Эрталаб Раҳимбой не кўз билан кўрсинки, уйи вайрон бўлибди. Қайғуга чўмиб, юраклари эзилди. Ниҳоят: "Бирон чорасини қилиб сандиқни олиб чиқай, ахир бутун бойлигим унинг ичида", деди ўзига ўзи ва ичкарига кирмоқчи бўлди. Аммо эшик қулаб тушган, эшик деганнинг ўзи йўқ эди. Дарчадан ичкарига назар солганда яна ҳайратига ҳайрат қўшилди: сандиқ устига тушган иккита йўғон хари ўртасидан кўзлари бақрайганча ўлиб қолган Суюнбойнинг боши чиқиб турар, қўлида қопчиқ бор эди... Атрофда тилло буюм ва тангалар сочилиб ётарди...

Саид Маҳмудхон Тўра бу ҳикояни айтиб берар экан, ҳар гал шундай дерди:

"Ҳамиша Аллоҳнинг буюргани бўлади... Раҳимбойнинг сандиғидаги моллар ҳалол меҳнат билан топилгани учун Худо асради. Уларни Суюнбойга буюрмаган эди. Худди шундай, она юртимиз ҳам ҳозирча ёт келгиндилар қўлида, аммо ишончим комилки, жаннатдай тупроғимиз уларга буюрилмаган! Вақти келиб, уларнинг дасти қирқилгай бешак-шубҳа! Бобокалонлар макони, ота макон, она юртимиз фақат ўзимизники, ўзимизникидир...

Ватан албатта озод бўлади! Майли... Биз кўрмасак ҳам сизлар шуни кўринглар, озод Ватанимизда бошингизни баланд кўтариб, мағрур юриш сизларга насиб этсин! Ватанимизни севингиз, қадрига етингиз! Аллоҳдан тилаганим шу! Албатта, Ватанга қайтажаксиз! Буни ёдингиздан чиқармангиз!"

Энди унинг барча умиди фарзандларидан эди. Худога шукур, фарзандлари мўмин-қобил, уддабурон бўлиб вояга етдилар. Саид Маҳмудхон Тўра буни кўриб ич-ичидан қувонади. Француз маърифатпарвари Шарл Луи Монтескьёнинг: "Ватанини севган отагина она юрт меҳрини фарзандлари қалбига жо эта олади" деган сўзлари гўё Саид Маҳмудхон Тўра ҳақида айтилгандек туюлади...

Ҳа, фарзандларнинг шундай униб-ўсишлари учун у озмунча меҳнат қилмади, азият чекмади. Чунки улар мусофирчиликда яшашади, бу ерда лоқайд, дангаса, ишёқмас бўлиб яшаш мумкин эмас, шундай бўлса болалар кейин қийналиб қолишади. Ота-онани изтиробга соладиган нарса ана шу.

Ота-она фарзандларидан нимани istайди?

Фарзандларнинг ақлли, эс-ҳушли, билимли, меҳрибон, боодоб ва ишбилармон бўлиб ўсишлари, камолотга етишлари ота-онанинг чексиз бахти.

Ота-онага шу керак холос.

Саид Аҳмадхон Тўра, Насруллоҳ Тўра, кейин биргина қизи Мушарраф, кейин Фатҳулло Тўра, Лутфулло Тўра, Халил Тўра, Ҳабиб Тўра... Ҳаммаси ҳам ақлли, ўз ишига моҳир, энг муҳими, бир-бирлари билан иноқ., бир-бирларига меҳрибон, ҳар бирининг ҳурмати ўз жойида.... Бундан кўнгли бағоят таскин топарди.

Умри ғурбатда ўтган ватандошлардан бири: «ўлсам, бошимдаги дўппим билан кўминглар. Мункар-накир кирибоқ ўзбеклигимни билсин, бу дунёда кўп азоб тортдим, энди охиратда қийнамасинлар..." деган экан... Ватандошлар бу гапни кўп такрорлардилар.

...Саид Маҳмудхон Тўра 1959 йил 20 сентябрь куни етмиш икки ёшида Адана шаҳрида тангри раҳматига борди. Йигирма икки-йигирма уч ёшларида илм излаб юртни тарк этган ватандошимизнинг салкам ярим аср умри мусофирчиликда саргардонликда кечди.

Ўшанда Насруллоҳ Тўра ўн тўққиз ёшда эди, ҳаммаси ҳозиргидек кўз ўнгида турибди.

Сўнгги йўлга кузатишда катта жамоат жам бўлиб, дафн маросимида тумонот одам қатнашди...

Ҳаво иссиқ , дим, нафас олиб бўлмайди. Маржондай тизилган машиналар нола чеккан мисоли қаттиқ "дут-дут"лаб, изма-из қабристон сари оҳиста силжиб борарди. Ўтган-кетганлар: "Ким дунёдан ўтибди?", деб сўрашар, Саид Маҳмудхон Тўра эканлигини билишгач, беихтиёр йўлларидан қайтишиб, оқиб бораётган тўлқинга қўшилиб кетишарди.

Адана шаҳрининг табиати жуда ажойиб, бу ерда октябрь ойидан апрелгача кунлар ёғинли кечади. Бошқа ойларда об-ҳаво қуруқ келади, қирқ-қирқ беш даража иссиқ бўлади, бир томчи ёмғир анқога шафе...

Шу куни ғаройиб ҳодиса юз берди. Тобутни Асрий мозорга эндигина элтган эдиларки, мозор тепасида тип-тиниқ осмонда қаёқдандир бир парча булут пайдо бўлди. Саид Маҳмудхон Тўра жасадини қабрга қўйишлари билан ҳалиги булут бир қуйиб бердики, ҳамма ёғ сув бўлиб кетди, атрофга салқин бир тароват уфурди.

"Ҳа, Саид Маҳмудхон Тўра соҳиб каромат, валий инсон эдилар, худойи таоло пиримизни ўзининг оби раҳмати билан сийлади", дейишди одамлар. Шу издаҳомда қатнашган соҳиби қалам ватандошлардан Жўра Қори Бўтакўз, Собир Сайхонлар бу ҳақда ҳайрат билан гапириб юрадилар.

Саид Маҳмудхон Тўранинг қутлуғ номи ватандошлар орасида катта ҳурмат билан тилга олинар эди. У бунга ўзининг ҳалоллиги, адолатпарварлиги, садоқати, Ватан озодлиги йўлидаги шижоат ва шиддати туфайли эришди. Шу сабабдан Шаҳобиддин Яссавий Исмоил Шайх ўғли ўзининг "Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари" (1984) номли, юртимиз тарихи ҳақида бой маълумотлар берувчи, сермазмун китобида тарихимизда Ўғизхондан тортиб бизнинг асримизгача бўлган табаррук зотларимиз ҳақида тўхталар экан, Саид Маҳмудхон Тўра шахсиятига ҳам алоҳида жой ажратади. Адиб Саид Маҳмудхон Тўра Саид Исҳоқхон Тўра ўғлини мушаххас олим, мунаввар мубориз, равшан фикрли, маданий кўринишли инсон деб таърифлайди, унинг шадидан мустамлакачиларга ашаддий душман эканлиги ҳақида ёзади. Саид Маҳмудхон Тўра, дейди адиб, ҳамиша ўз миллатининг ўзлиги учун курашди, Озодлик ва Ватан истиқлоли учун кўп заҳматлар тортди, унинг тортган заҳматлари қадрлашга ва ҳурматга лойиқдир...

Саид Маҳмудхон Тўра ҳақида ҳар гал ўйлаганимда, юқоридаги самимий ва жозибадор сўзлар эсимга тушади.

Ажабо, она миллатингнинг бир вакили, халқингнинг бир фарзанди шундай шарафга сазовор бўлганидан, сен уни танимасанг ҳам, сен билан у яшаган давр бошқа-бошқа бўлса ҳам, беихтиёр ғурурланиб кетганингни билмай қоласан киши.

Ватан туйғуси, ватандошлик туйғуси шу бўлса керак-да...

## XIII
## Ушалган армон

Саид Маҳмудхон Тўранинг Саид Аҳмадхон Тўра, Фатҳулло Тўра деган ўғиллари ва қизи Мушарраф Тўра Туркияда истиқомат қилишади.

Лутфулло Тўра, Халил Тўра ва Ҳабиб Тўралар Америка Қўшма Штатларида яшашади. Улар Саид Маҳмудхон Тўранинг фарзандлари эканликларини, табаррук падари бузрукворнинг қилган ўгит-насиҳатларини доимо ёдда сақлайдилар.

Она Ватанни севиш, миллат иши учун доимо тайёр туриш, фидойилик туйғуси улар учун ота меросдир. Шу сабабдан ҳам уларнинг босган қадамлари шиддатли, ниятлари бутун, кўнгиллари равшан. Ота дуосини олганликлари шундоққина кўриниб туради. Улар қаерда бўлмасинлар, ўзларини Ватан ва миллат иши учун масъул сезадилар ва бу билан фахрланадилар.

Насруллоҳ Тўра Саид Маҳмудхон Тўранинг Муаззисхон Иноятуллоҳ Тўра қизидан кўрган тўнғич ўғли. Муаззисхон, авлод суриштириб борилса, Худоёрхоннинг набираси бўлиб чиқади. Ота томонидан Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга, она томонидан Худоёрхонга, берироқ келиб Алихон Тўра Соғунийга бориб уланадиган оилада туғилмоқ ҳам Аллоҳнинг бемисл иноятп, меҳрибончилигидир. Бунга зарра шубҳа йўқ.

"...Ватанимизнинг мустақилликка эришгани ҳақидаги хабарни эшитган илк дамларим ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Мен ўша пайтда Берлин шаҳрида эдим. Вужудимни қамраб олган туйғуларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Худди бугун тилга киргандай, атрофимдаги инсонларга ўз қувончим, ўз Ватаним борлигини айтиш учун тил пайдо бўлгандай эди гўё...

Юртга қайтиш орзуси билан яшаган, Ватан тупроғига бош қўйишдек нияти армон бўлиб қолган ота-онам менга ўша пайтда: "Мана сен ҳам энди эгасиз эмассан, ўз Ватанинг, ўз байроғинг бор, ўз рамзинг, ўз мадҳиянг бор. Ўз қонинг, ўз жонингдан Юртбошинг бор. Энди дарбадар бўлиб юрмайсан" деяётгандай эдилар..."

Биз ушбу сатрларни Насруллоҳ Тўранинг "Халқ сўзи" газетасида 2001 йил 16 октябрда босилган "Юрт соғинчи" мақоласидан келтирдик. Ватандошимиз ўз юрак сўзларини ёзар экан, ота-онамнинг армонига мен етдим, дейди, эллик йилча турли мамлакатларда яшаб, ниҳоят Ватанига қайтганидан ифтихор қилади.

Чиндан ҳам, мустақилликка эришганимиздан сўнг озодлик шабадаси эсиб, манглайимизга офтоб тегди!

**(Давоми келгуси сонда)**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен ҳозир 20 ёшдаман. Ота-онам жуда ёшлигимда ажрашиб кетишган. Онам билан яшаётган уйимиз отамнинг номида. Уй анча таъмирлашга муҳтож бўлиб, нураб қолган. Уйни ўзим таъмирлаб, сотишим мумкинми?**

**М.Усмонов, ишчи.**

Ота-онангиз ҳаётлигида уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмассиз. Шу сабабли ҳам уйни қайта таъмирлаб, ўзингиз ва онангиз учун қулайликлар яратиб, уйдан тўлиқ фойдаланишингиз мумкин, лекин сотишга ҳаққингиз йўқ.

* * *

**Яқин курсдош дўстимга ота-онам томонидан контрактга тўлаш учун берилган пулни қарзга бериб турган эдим. У мендан 3-4 кунга бериб туришимни сўраб қаттиқ илтимос қилган эди. Орадан бир ой ўтди, лекин у пулни қайтармаяпти. Қандай қилиб пулни олишим мумкин?**

**Ф.Худойбердиев, талаба.**

Сиз курсдошингизга ота-онангиздан олган пулни тилхат асосида берган бўлсангиз, суд орқали ундириб олсангиз бўлади. Агарда курсдошингиз ишончингизни суиистеъмол қилиб, олган пулини қайтариб бермаётган бўлса ўзингиз истиқомат қиладиган туман Ички ишлар бўлимига мурожаат қилинг.

* * *

**Кейинги пайтларда кўпчилик халқ табобатида маълум бўлган малҳамлардан фойдаланишни маъқул кўряпти. Чунки у қулай ҳамда оддий. Менинг оёқларимнинг бўғинлари оғрийди. Шифокор тавсиясига кўра жуда кўп суртма дорилардан фойдаландим. Лекин фойдаси жуда кам. Халқ табобатига мурожаат қилгим келди. Маслаҳат беринг.**

**А.Файзиева, уй бекаси.**

Оёқ оғриғига малҳам бўлувчи жуда кўп дори-дармонлар ҳақида айтиш мумкин. Шулардан бирини тавсия этамиз: катта қизил лавлагини олиб, қайнатиш керак. Сўнгра уни қирғичдан ўтказиб, бир дона каттагина аччиқ қизил қалампирни майдалаб қўшиб, унга яна бир ош қошиқ керосинни ҳам қўшиб, яхшилаб аралаштириш керак. Тайёр бўлган муолажани оёқнинг оғриган жойига суртиб, ярим соат ўтириш керак. У роса қиздиради, лекин сабр билан чидаб ўтириш лозим. Ярим соатдан сўнг муолажани юмшоқ қоғоз (салфетка) билан артиб олиб, иссиқ рўмол билан оёқни боғлаб қўйиш керак. Оёқ қизиб, оғриқ пасаяди ва узоқ вақтгача безовта қилмайди. Шу йўл билан хасталикдан бутунлай фориғ бўлишингиз мумкин.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

**Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

## ИНСОН ШИРИН СЎЗ ГАДОСИ

Яқин бир қариндошимизнинг тўсатдан вафотини эшитиб, унинг хонадонига бордик. Оиласи, болаларига таъзия билдириб, уларга сабр-бардош тиладик.

— Узоқ-яқин қариндошларимиз келишини кутамиз, марҳумни эртага пешин намозига чиқарамиз, — дейишди улар.

Эртасига қадрдонимизни сўнгги йўлга кузатишга бордик. Эшик тагида тумонат одам. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз. Қўни-қўшнилар, дўстлар, яқинлар, ҳатто марҳумнинг ҳаётлигида у билан чиқиша олмай, санманга бориб юрганлар ҳам оила бошига тушган мусибатга қайғу билдириб бош эгиб туришарди.

Жаноза ўқилиб, қабристон томон йўл олдик. Тобут қўлдан қўлга ўтиб боради. Ҳамма каттаю кичик, дўсту душман бирдек тобутни бир зум бўлсада елкасига олиб марҳум билан рози-ризолик тилашга ошиқади.

Марҳум гўристонга қўйилиб, устидан тупроқ тортилгач фотиҳадан сўнг маҳалла фаолларидан бири туриб йиғилганларга мурожаат қилди.

— Биродарлар айтинглар, Саидолим қандай одам эди?

— Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, яхши одам эди, беозор эди.

Ҳамма бир овоздан шу сўзни такрорлади.

Гўристондан қайтишда атайлаб Жобирбойнинг ёнига ўтдим. Сабаби у Саидолим билан ҳеч чиқишолмас эди. Иккала қўшни арзимас ер баҳона сан-манга бориб қолишганди. Орадан неча йил ўтса ҳамки, уларнинг юлдузлари бир-бирига тўғри келмасди. Кўча-кўйда, тўй-туркунларда учрашиб қолганларида ҳам қўл бериб сўрашиш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларидан юзларини тескари буриб ўтишарди. Шундай юзкўрмас инсоннинг бугун маъракада елиб-югуриши, оила бошига тушган мусибатга чин дилдан қайғуриши мени ҳайратга солди. Секин уни гапга тутдим.

— Бечора ҳали ёш эди, эрта кетди. Болаларининг орзу-ҳавасини кўролмай армон билан ўтди, — деди Жобирбой қайғуриб.

—Ишқилиб, бир-бирларингиз билан муносабатларингизни тўғрилаб олганмидиларингиз?

— Йўқ. Лекин мен ундан мингдан минга розиман. Нима, биз отамизнинг молини талашибмизмики, кечирилмас гуноҳ қилиб қўйган бўлсак. Ақалли орамиздан арзимас гап-сўз ўтган эдида. Мен кечириб юборганман уни.

Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Кўпинча инсоннинг тириклигида қадрига етмаймизда, ўлгандан кейин уни иззат-икром қилишга тушамиз. Ҳаётлигида ундан қанча норози бўлсакда, вафотидан сўнг кечириб, қадрлашга интиламиз. Тўғри, биз кечиримли халқмиз. Айниқса марҳумлар ҳақида ёмон сўз айтишдан тийиламиз. Аслидачи? Бизнингча инсонга бўлган мана шу ҳурмат-эҳтиромимизу, иззат-икромимизни тириклигида кўрсатсак янада яхшироқ бўлармиди, деб ўйлайман. Сабаби одам борки, у ширин сўз гадоси. У ҳаётлигида қанчалик қадр-қиммат топса ёруғ оламдан кўз юмаётган чоғида ўша умридан рози кетади. Инсонни тириклигида эъзозланг, деганларининг асл маъноси ҳам мана шунда.

## МЕҲР БУЛОҒИ

Қандай болажон аёлларимиз борда. Ёш гўдакни кўрса бас, айланиб-ўргилишади. Иссиқ бағрига олишади. Баъзан ўзга болаларга қилаётган меҳрибончиликларини кўриб ўзгани ўзиникидан ажратолмай қоласан. Яқинда иш юзасидан Юнусободдаги милиция таянч нуқталаридан бирида бўлганимизда онанинг болага бўлган туганмас меҳрини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Эллик ёшлар чамасидаги бир аёл оқ чойшабга ихлос билан ўралган чақалоғини авайлаб кўтарганича, ийманиб хонага кириб келди.

— Хизмат?

— Кечирасиз, бир илтимос билан келган эдим.

Аёл қўлидаги гўдакка тикилганича бироз жим қолди. Кўзларида билинар-билинмас ёш ғилтиллади.

—Мана шу бола... , — чайналди у. Кейин чақалоғини қўлидан биров олиб қўядигандек бағрига қаттиқ босдида, тез гапира кетди.

—Мана шу болани ўзимга ўғил қилиб олмоқчиман. Кечаси бизнинг йўлакка кимдир ташлаб кетибди. Йўргак орасидан мана бу хат чиқди.

Ўқидик, унда рус тилида қуйидаги жумлалар битилган эди: «Менга бола керакмас. Ким олса олсин. Ҳеч қандай даъвойим йўқ».

Боласини ташлаб кетган она ҳақида ҳукм чиқариш газетхонлар эътиборига ҳавола. Биз эса инсоний фазилатларни ўзида мужассамлантирган иккинчи она ва унинг бегона гўдакка бўлган меҳр-оқибати ҳақида гапирмоқчимиз.

Бирдан хаёлимизга аёлнинг фарзанди йўқ бўлса керак деган фикр келди. Афсуски, бу ўйимиз сароб бўлиб чиқди. Аёлнинг уч фарзанди — икки ўғил ва бир қизи бор экан. Милиция сардори ўрнидан туриб синчковлик билан чақалоққа тикилди.

—Рус шекилли.

— Барибир эмасми, — деди аёл болани маҳкам бағрига босиб, русми, ўзбекми, ким бўлса ҳам ишқилиб умри узун бўлсин.

Сардор болажон аёлга лозим бўлган барча йўл-йўриқларни кўрсатди. Аёл миннатдорчилик билдириб хонадан чиқаркан, «Барибир болани ҳеч кимга бермайман», деб қўйди қатъий қилиб.

## ЎРИНСИЗ БАҲС

Танганинг икки томони бўлганидек, баҳснинг ҳам икки томони —фойдали ва фойдасиз томонлари бор. Албатта биринчиси яхши, иккинчисидан эса Худо асрасин. Нега дейсизми? Бунинг мисоли сифатида ўтган йили Хумсонда дам олаётганимизда содир бўлган бир воқеани келтиришимиз мумкин.

Уч-тўрт тенгқурлар дарё бўйида дам ола туриб баҳслашиб қолишибди. Улардан бири кайф устида: «Мен шу дарёнинг нариги чеккасига бемалол сузиб ўтаман», дебди. Шериклари «ўтолмайсан» дейишибди. Гаровга битта ош тикилибди.

Йигит дарёга тушиб суза бошлабди. Тез оқар сувнинг ярмига борганида тўлқинлар қаршилигига дош беролмай тошдан тошга урилиб анча жойгача оқиб кетибди. Кўпчилик бўлиб уни сувдан олиб чиқишибди. Лекин вақт ўтган экан.

Чойхонада улфатчилик қилиб ўтирган йигитлардан бири бир килограммлик ошни бир ўзи ейишини айтибди. Ўртада баҳс бошланибди. Йигит ошнинг ярмисигача еб борибди. Қолгани томоғидан ўтмай ютқазибди. Энг ёмони, кучли таомни унинг ички аъзолари кўтаролмабди. Ичаги буралиб, ўша куни касалхонага тушиб қолибди. Жарроҳлар унинг ҳаётини зўрбазўр сақлаб қолишибди.

Аслида баҳс яхши нарса. Лекин у таваккалчилик эмас, балки бирор манфаатли, фойдали бўлса. Шу ўринда беихтиёр хаёлимизга одамлар тилида тез-тез такрорланиб турадиган бир ҳикоят келди.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Эмишки, бир ҳаким хушманзара шаҳардан ўтиб кета туриб, шу гўзал масканда табибчилик қилмоқчи бўлибди ва шаҳарлик казоларидан сўрабди:

— Одамларингиз қай пайтда уйқуга ётиб, қай пайтда уйғонадилар? Улар ўртасида турли номақбул баҳслар бўлиб турадими?

— Бизнинг шаҳарликлар кеч ётиб, эрта уйғонадилар. Улар ўртасида баҳслар бўлиб туради. Лекин уларнинг негизида эл корига ярайдиган янгиликлар, кашфиётлар ётади.

— Яна бир саволга жавоб берингчи, одамларингиз қандай овқатланишади?

— Қоринлари очмай овқатланишга ўтиришади, қоринлари тўймай қўл артишади.

Бу гапларни эшитган табиб хайр-маъзур қилиб:

— Менга бу тоза, гўзал шаҳарда иш йўқ экан, гапларингиздан маълум бўлдики, сизларда ҳамма одамлар соғлом, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ экан, дея йўлига равона бўлибди.

Ўйлаймизки, қиссадан тегишли ҳиссани ҳар ким ўзига чиқариб олади.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2680 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109. 1 2 3 4 6